

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 200 (722), 2022 йил 29 сентябрь, пайшанба



ТРАНСПОРТ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 сентябрь кuni транспорт соҳасида ислохотларни жадаллаштириш масаласи юзасидан йиғилиш ўтказди.

Транспорт қулайликлари мамлакат ривожини кўрсатувчи ва буни таъминловчи омиллардан бири. Юртимизда соҳа инфратузилмаси янгилашиб, шароитлар кенгайтирилаётгани ўз натижаларини бермоқда.

Жумладан, авиация бозори эркинлашгани ҳисобига охириг уч йилда Ўзбекистонга парвозларни амалга ошираётган авиакомпаниялар сони 2 бараварга ўсган. Автомобилда халқаро юк ташишда маҳаллий корхоналарнинг улуши 62 фоизга етган. 300 километр темир йўл электрлаштирилган, 1 минг 500 километр автомобиль йўли қурилган.

Лекин ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар, қилинадиган ишлар жуда кўп. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, Стратегик ислохотлар агентлиги томонидан соҳадаги ишлар натижадорлиги таҳлил қилинганида, бир қатор муаммолар аниқланган.

Масалан, охириг уч йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 16 фоиз ўсгани ҳолда, темир йўлда юк айланмаси атиги 7 фоиз ошган. Авиацияда рақобат муҳити тўла шаклланмаган, 10 та аэропортнинг самарадорлиги паст даражада. Оқибатда, рақобатдош нархларда етказиб бериш қулайлиги бўйича Халқаро логистика самарадорлиги индексида мамлакатимиз 160 та давлат ичида 120-ўринни эгаллаган.

Тадбиркорлар билан очик мулоқотда ҳам мазкур соҳа бўйича кўплаб мурожаатлар бўлган. Йиғилишда транспорт тизимидаги муаммоларни ҳал этиш ва аниқ натижаларга эришиш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

— Бу соҳа — иқтисодиётнинг қон томири. Транспорт ва логистикани янги босқичга олиб чиқмасак, иқтисодиётнинг барқарор ривожини таъминлай олмаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда учта йўналиш — темир йўл транзити имкониятини кескин ошириш, авиацияни қулай, тез ва сифатли хизмат кўрсатадиган соҳага айлантириш, халқаро транзит юклари учун замонавий автомобиль йўллари тармоғини кенгайтириш бўйича чоралар белгиланди.

Стратегик ислохотлар агентлиги таркибида транспорт соҳаси бўйича алоҳида гуруҳ тузиб, асосланган таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Давлатимиз раҳбари энг асосийси халққа енгилликлар яратиш эканлиги алоҳида таъкидлади.

Темир йўл саноат ва тадбиркорликни ривожлантиришда катта ўрин тутиши қайд этилиб, бу тизимнинг қувватини ошириш борасида кўрсатмалар берилди. Хусусан, замонавий электр поездлар олиб келиш, вагонларни таъмирлаш, носоҳавий активларни чиқариш орқали тизимни молиявий соғломлаштириш зарур.

Авиация соҳасида ҳам қулайликларни кўпайтириш, Бухоро, Хоразм ва водий вилоятлари аэропортларини ривожлантириш, кадрлар малкасини ошириб, хизматлар сифатини яхшилаш керак.

Президентимиз автомобиль йўлларининг сифати ва салоҳиятига алоҳида тўхтади. Маълумки, бу соҳада лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда назорат функциялари битта ташкилотда жамланган. Бунинг оқибатида кўп йўлларда сифат йўқ. Шу боис, йўл қурилишида илғор стандартларни жорий этиш, лаборатор ишларни кучайтириш, пудратчилар масъулиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Транспорт инфратузилмасини кенгайтириш ва соҳани рақамлаштиришга қаратилган кўплаб вазифалар белгиланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шамсидинов Абдуқодир Умарович — Марҳамат туманидаги 47-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони билан

Мамадалиев Исомиддин Имомалиевич — Янгиқўрғон туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг география ва биология фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Эшанкулов Баходир Ахмадалиевич — Ўрта Чирчиқ туманидаги 124-имконияти чекланган болалар учун мактаб-интернати тарбиячиси, Тошкент вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Богдасарова Татьяна Михайловна — Мирзо Улғубек туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Уралов Абдували Турғунович — Гулистон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа маданияти фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Форманов Шакир Касимович — Ўзбекистон Миллий университетининг эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедраси профессори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Байтемиров Асадулла Хаитбоевич — Зарбдор туманидаги 25-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Тухлиев Нурислам — Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми кафедраси профессори

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдувалитов Ергаш Бураневич — Тошкент давлат педагогика университетининг қозоқ тили ва адабиёти кафедраси мудири

Бакиров Абдували — Ангрен шаҳридаги 1-касб-хунар мактабининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Давоми 2-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁ НИГОҲИДА

БУЮК БРИТАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН МАХСУС КИТОБ-АЛЬБОМ КЎП НУСХАДА НАШР ЭТИЛДИ

Буюк Британиянинг “Brooklands New Media” ноширлик уйи томонидан Президент Шавкат Мирзиёевнинг биринчи президентлик муддатига бағишланган махсус эсдалик китоб-альбом чоп этилди.

Нашр Ўзбекистон элчихонаси ва “Brooklands New Media” компанияси қўшма лойиҳаси доирасида амалга оширилди.

“Brooklands New Media” давлат ва ҳукумат раҳбарлари, трансмиллий компаниялар ва глобал брендлар ҳақидаги юқори сифатли китоблар чоп этишга ихтисослашган ноширлик уйдир. У Буюк Британия кироличаси Елизавета II, католик черкови раҳбари — Рим папаси Франциск, АКШнинг собиқ президенти Дональд Трамп ва бошқаларнинг фаолиятига бағишланган альбомларни чоп этган.

143 саҳифадан иборат эсдалик китоб-альбомда Ўзбекистон раҳбари ташаббуси билан бошланган, шунингдек, 2017-2021 йилларда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар акс эттирилган. Бундан ташқари, эришилган муваффақиятлар, мамлакат ҳамда жамиятни изчил ислоҳ қилиш бўйича режалар ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз аксини толган кенг қамровли ислохотлар йўналишини давом эттириш 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилгани алоҳида таъкидланган. Мазкур ҳужжат Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилда бўлиб ўтган Президент сайловиде ишончи ғалаба қозонганидан сўнг қабул қилинган, Ўзбекистон раҳбарининг ислохотчилик сиёсати муваффақияти ва унинг етакчилигида мамлакат аҳолисининг ўз келажагига ишончи ортб бораётгани алоҳида эътироф этилган.

Китоб Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, савдо ва сармоя, давлат бошқаруви ислохотлари, халқаро муносабатлар, энергетика, қишлоқ хўжалиги, инфратузилма,

тармоқлар, меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш, очик жамият ва барқарор ривожланиш, мудофаа қобилияти ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш каби муҳим йўналишларда эришилган амалий муваффақиятларга бағишланган 13 бўлимдан иборат.

Альбом 10 минг нусхада нашр этилди. Китоб-альбом, биринчи навбатда, ноширлик уйининг йирик ҳамкорлари бўлган халқаро бизнес ва молия корпорациялари (American Airlines, American Express, BAE Systems, BMW, British Petroleum, British Airways, Chevron, China Construction Bank, Deutsche Bank, DHL, General Motors, Goldman Sachs, HSBC, Huawei, IBM, JP Morgan, KPMG, Samsung ва бошқалар) ўртасида тарқатилади.

“Дунё” АА Лондон

БУГУННИНГ ГАПИ

ЯНГИЛАНАЁТГАН КИМЁ САНОАТИ

Зарардан фойдага ўтган тармоқдан кутиглаётган натижалар янада салмоқли

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва соҳаларнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан кимё саноатида ҳам ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, юқори қўшилган қийматли экспортбоп кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга доир инвестиция лойиҳалари ижроси таъминлаб келинмоқда.



Давоми 3-бетда



ФИДОЙИЛИКДАН ШАРАФ ТОПГАН МУАЛЛИМА

Бу шарафли номга эришиш учун, энг аввало, инсон ўз касбининг маълум бир босқичларидан ўтиб, ўрнатилган даражада иш кўрсата олиши лозим бўлади. Устоз орқидан эргашаётган шогирдига ҳаёт сўқмоқларидан қоқилмасдан нурафшон йўл сари интилишни ўргатиб, унинг мурғак қалбига улкан машаққат ила меъморлик қилиш ҳар қандай кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Қузатганмисиз, мактаб остонасига илк бор қадам қўйган бола бир оз хавотир ва қўрқув ила машғулотларни бошларкан, ўқитувчининг ҳар бир ҳаракати ва сўзларини қалбига жо қилади. Кечаги хархаша инжикликлардан асар ҳам қолмайди. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қахрамонимиз ҳам ўқитувчилик касбидан қадр топган фидойи муаллималардан бири.

Болалиги Иккинчи жаҳон урушининг асоратлари кетмаган қийинчилик даврларига тўғри келган Муҳаббат Шарапова у даврларни кўп ҳам эслагиси келмайди.

1949 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган Муҳаббат ҳали мактаб ёшига етмасиданоқ алифбонни ўқир, юзгача сарнард. Ундан “Қизим, катта бўлсан, ким бўлмоқчисан?” деб сўраса, “Муаллима бўламан”, деб жавоб берарди... Етти ёшни қаршилаган қизалоқ 1956 йили Қарши туманидаги 29-ўрта мактабининг биринчи синфига қабул қилинди. Мактабда дугоналаридан одоби, интизом, тиришқоқлиги, масъулияти билан ажралиб турарди.

Давоми 5-бетда

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



МУНОСАБАТ

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг очик ва прагматик ташқи сиёсати, узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро муносабатларни мустахкамлаш борасидаги ташаббуслари туфайли халқаро майдондаги ўрни тобора мустахкамланиб бормоқда. Айниқса, Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити ҳамон дунё жамоатчилиги муҳокамаси марказида.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВ

Баҳром МАМАДИЕВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси Халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича проректори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



"Сунан ат-Термизий"нинг муаллифи Абу Исо Термизий каби унлаб буюк мутафаккирлар Термизда туғилиб, вояга етган. Хоразмда камол топган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Исмоил Журжоний, Маҳмуд Замахшарий ва бошқа улуг олимлар нафақат дунёвий, балки диний фанлар ривожига ҳам улкан ҳисса қўшганини бугун дунё аҳли яхши билади.

Ўзбекистон раислигида ўтказилган ташкилот саммитида халқаро алоқалар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий-гуманитар соҳаларда сўнгги йилларда йигилиб қолган кўплаб масалаларга ечим топилиб, узоқни кўзлаган мустахкам ҳамкорлик алоқалари боғланди. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган барча ташаббуслар аъзо давлатлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватлангани эътиборлидир. Хусусан, қадимдан Буюк Ипак йўлини боғлаб келган Ўзбекистон замини Шарқ ва Ғарб ўртасида яна мустахкам кўприк бўлмоқда. Бунинг юртимизнинг дунё давлатлари билан дўстона ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқалари асосида ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маърифий, туризм соҳаларидаги ҳамкорлик муносабатлари кенгайиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

бўйича кўрсатмаларида зиёратга келаётган туристларнинг мазаҳиби, тарихи, ёндашуви ҳар хиллигини инобатга олиб, уларга хизмат кўрсатишда илмий ёндашувлар зарурлиги хусусидаги фикрлари аҳамиятлидир. Бинобарин, муқаддас қадимлар, авлиға ва пирлар ҳақида маълумот берадиган қўшимча манбалар ва гид мутахассисларга эҳтиёж юқорилиги боис, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда "Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетига муҳим топириқлар берилди.

Шу ўринда дунё цивилизациясининг муҳим марказларидан бири бўлган Ўзбекистон заминидан қадим-қадимдан илм-фан ва турли маданият ва динлар ривож топганига ургу бериб ўтиш жоиз. Фикримиз исботини Самарқанддаги энг мўътабар зиё-

Ўзбекистон — Саудия Арабистони

ТАРИХИЙ, МАДАНИЙ ВА ДИНИЙ РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Баҳодир ЖОВЛИЕВ, журналист

Шу кунларда Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон Рабиа бошчилигидаги делегация юртимизда бўлиб турибди. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлди. Айниқса, сўнгги йилларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари ижобий суръат касб этиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.



мавсумида энг намунали, деган мақомга муносиб бўлаётгани алоҳида қайд этилди.

Ўз навбатида, Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон Рабиа ҳам икки мамлакат етакчиларининг олий даражадаги учрашувлари ва унда қабул қилинган кенг қўламли ва истиқболли қарорлар халқларимиз орзу-мақсадлари муштараклигини намойён этганини қайд этди. Томон-

ўртасидаги дўстона алоқаларни мустахкамлаш, зиёрат туризмининг ривожлантириш борасида фикр алмашилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Саудия Арабистонига ташрифи давомида билдирган тақдирлари асосида Самарқанд вилоятида қайтадан бунёд этилаётган Имом Бухорий мажмуаси ёнида қад ростлайдиган муқаддас бобомиз номидаги музейни Мадина шаҳрида жойлашган Ислам цивилизацияси музейи тақрибаси асосида ташкил этиш, ислом олимларининг илмий-тадқиқот ишларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, дин уламолари иштирокида анжуманлар ўтказиш, Саудия Арабистони фуқароларини Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Термиз каби қадимий шаҳарларига зиёратларини ташкил этиш каби бир қатор амалий тақдир ва фикр-мулоҳазалар билдирилиб, муштарак мақсадлар ифодаланди.

Музокараларда Саудия Арабистонига "Нингоҳ-2030" давлат дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани, икки мамлакатнинг кўп ёндашувлари ўхшашлиги ва халқаро доирада бир-бирини доим қўллаб-қувватлаб келаётгани эътироф этилди.



лар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар, илмий-маърифий ва туризм каби соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназаров ҳаж ва умра ишлари вазири Тавфиқ бин Фавзон Рабиа бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Уларнинг музокараларида ҳаж ва умра қилувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, ибодат амалларини бажариш учун Мино, Арафот ва Муздалифа водийларида янада қулай шароитларни ҳозирлаш борасидаги вазирлик фаолиятига муваффақият тилади.

Самимий мулоқот доирасида амалий ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш, халқларимиз

Учрашувда мана шундай ҳамкорликларга замин ҳозирлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари, Икки Муқаддас Масжид ходими Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ҳазрати олийлари ва Валиаҳд шаҳзода Муҳаммад бин Салмон жаноби олийлари миннатдорлик билдириди.

Мулоқотда Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ҳаж ва умра ишлари вазири ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ўртасида Меморандум тузиш масаласи кўриб чиқилди.

Саудия Арабистони делегацияси вакиллари мамлакатимизга ташрифи давомида бир қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан музокаралар ўтказиш, таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолияти билан яқиндан танишиш, мамлакатимиздаги муборак қадимларнинг зиёрат қилиш режа қилинган.

Ўзбекистон Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-964. 81594 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усули**да босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



раттоҳлардан ҳисобланадиган Хожа Дониёр макбарасининг мусулмонлар, насронийлар ва яҳудийлар учун ҳам муқаддас маскан сифатида қадрияти ишлаб чиқишда мамлакатнинг сайёҳлар учун очиклик сиёсати, мусулмон туристларга яратилган имкониятлар, тарғибот ва маркетинг, ислом меросини сайёҳларга етказиш даражаси каби қирқдан ортиқ мезонлар ҳисобга олинган.

Халқаро "CrescentRating" ташкилоти раҳбари Фазал Баҳардин 2022 йил натижалари хусусида алоҳида тўхталиб ўтар экан, Ўзбекистон мазкур рейтингда энг тез кўтарилган ва бошқаларга ўрнатилган давлат сифатида тан олинганини эътироф этди. Дарҳақиқат, юртимизда сўнгги йилларда ички ва ташқи туризм соҳасининг ривожлантиришга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон қадимдан Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги боис, ушбу заминда сайёҳлик — туризм ҳам тараққий этгани шубҳасиз. Шу сабабли ҳам бугунги кунда халқимизнинг умрбўқий маданияти, урф-одати ва қадриятлари қаторида юртимиздаги тарихий обидалар ва маданий ёдгорликлар билан танишиш истагида бўлган чет эллик сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Самарқанд — Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси" брендини тарғиб қилиш

олий мадрасаси, Тошкент ислом институти ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби сингари олий ўқув юртиларида ҳам Шарқ алломаларининг қадимий илмий мерослари ўрганилиб, улар асосида бугунги глобаллашган дунёнинг замонавий муаммоларига ечим ахтарилаётгани эътиборни тортади.

Бу борада Ўзбекистон халқаро ислом академияси томонидан барча ислом таълими муассасалари учун ўқув-методик дастурлар тайёрланиб, соҳага кадрлар тайёрлаш тизими узлуқсиз ташкил этилгани халқаро миқёсда янги таърибга ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2017 йилга қадар аттиги 3 та олий таълим муассасаси ҳамда 9 та ўрта махсус диний таълим берувчи мадраса фаолият юртдан бўлса, бугунги кунда олий таълим муассасалари сони 5 тага кўпайган ҳолда, мадрасалар сони ҳам 10 тага етгани диний таълимга муҳим эътибор қаратилаётганидан дарак беради. Қадимдан Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни боғлаб келган Ўзбекистонда минг йиллар давомида савдо-сотик, илм-фан, маданият тараққий этган. Бунга ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, ўзга юрт ва маданият вакилларига ҳурмати, бағрикенглик муносабати юрдаги тинчлик ва тараққиётга хизмат қилган. Ушбу анъаналар бугун ҳам равнақ топаётгани халқимизнинг келажақ истиқболини ҳам белгилаб бормоқда.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-964. 81594 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет усули**да босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳаб: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 23:25 Топширилди — 01:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловнар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz